



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra



IWMI
International
Water Management
Institute



**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ДАЛА ШАРОИТИДА ЕРНИ ВА СУВНИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЛОЙИҲАСИ**

**ДАЛА ШАРОИТИДА ПАХТАЧИЛИКДА ОЛИБ
БОРИЛАДИГАН ТАЖРИБАЛАР ДАВОМИДА
БАЖАРИЛАДИГАН ФЕНОЛОГИК КУЗАТУВЛАР
ВА АБРОБАЦИЯ ЎТКАЗИШ
МЕТОДИКАСИ**

ФАРҶОНА

Дала шароитида ғўзани ўсиши ва ривожланишига бу қўлланилаётган агротехника усуллари қўлланиш асосида униб чиқишши, шоналаши, гуллаши ва ниҳоят ўсиб уни ҳосил тўплаш процессларига таъсирини ўрганиш мақсадида фенологик кузатув ишлари олиб борилади.

1. Чигит экилгандан кейин уни униб чиқиши жараёнини кузатиш.

Маълумки чигит экишда у ёки бу тупроқ иқлим шароитини ҳисобга олиб иш юритилади. Чигит экишда асосан тупроқни иссиқлиги 10 см қатламда тукли чигит экиш учун 14-15 градус иссиқликда туксиз чигитларни эса 16-18 градус иссиқлик бўлганда экиш бошланади.

Чигит экиш давомида агар ер текис бўлса, нам етарли бўлса чигит белгиланган вақтда 8-10 кунда униб чиқади.

Униб чиқаётган чигитни униш жараёнини кузатув давомида қуйидаги метод билан иш олиб борилади. Чигитни униб чиқишни асосан уч вақтда ўтказган маъқул. Яъни:

а) чигит униб чиқишни бошлаганда:

б) чигит тўлиб униб чиқаётганда ва тўлиқ униб чиққан вақтда ерни устига чигит қобиғи билан униб чиққан ҳисобланади.

Бунинг учун махсус ўлчанган 1,5-2,0 метрли линейкани ҳар 15-20-25 см қилиб ҳар гектар ерга қўйиладиган кўчат қалинлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Ушбу линейка чигит экилган агатга қўйилганда униб чиққан ғўза ниҳоли шу белгиланган точкаларга тўғри келиши ёки ундан 5-7 см ўнг ёки чап томонидан бўлиши мумкин.

Қайси агатда шу белгиланган точкалар бўйича кўп чигит униб чиққан бўлса шу ерда чигитни униб чиқишни яхши ҳисобланади. Бу усул тажриба участкасида шу тажрибадаги экилган сортни аниқлашда ерни 3-5 кузатув майдончаси орқали аниқланади.

Чигитни униб чиқишни тажриба участкасининг 3 та жойдан ерни бошидан 20-25 метр ичкаридан, ерни ўртасидан ва ерни охирига 20-25 метр етмаган ҳолатда аниқланади.

2. Ғўзани шоналашни аниқлаш

Ғўзани шоналаш даврини шу ерни ҳар гектарида қолдирилаётган кўчат сонига нисбатан фоиз ҳисобидан аниқланади. Бунинг учун тажриба участкасининг 3-та жойда (кўчат қалинлигини аниқлаш учун ажратилган кузатув майдончаларидек) маълум миқдордаги 25-50 ўсимлик олиниб шу ўсимликларда шона бор йўқлиги аниқланади ва умумий кўчат сонига нисбатан фоиз ҳисобида ҳисобланади. Масалан: ҳисобга олинган 100 дона ғўзадан 55 тасида шона мавжуд бўлса демак ғўзани 55 фоизи шоналанган

ҳисобланади. Ғўзани шоналаниш вақтини ҳисоблаш 25 май – 1 июндан бошланади ва 1 августгача давом этади.

3. Ғўзани ўсиши ва мева шохларни ҳисобга олиш

Агротехника усуллари маълум ғўза сортларини ўсиши ривожланишини (мева тугиши) ўрганиш учун қўйилган тажрибаларда ғўзани бўйини ўсиши мева тугишини ҳисобга олиш асосан 1-июнь, 1-июль ва 1-август кунлари утказилади.

Айрим кузатилаётган тажрибаларда ушбу ўлчов тажриба программасига қараб 1-сентябрь кунини хам ўтказилади. Ғўзани бўйини ер юзасидан бошлаб уни учигача ўлчанади. Ундаги мева шохларини эса тўлиқ саналади.

4. Ғўзани гуллашини ҳисобга олиш

Ғўзани гуллашини аниқлаш фоиз ҳисобида олиб борилади (умумий ғўза кўчати қалинлигига нисбатан фоиз ҳисобида) ҳисобот ғўзани 50-75 фоиз гуллагунча олиб борилади.

Ғўзани гуллашини аниқлаш уни шоналашини аниқлашга ўхшаб тажриба даласини 3 жойдан 25-50 та махсус этикетка осилган ғўза тўплардаги мавжуд гулларни санаш билан аниқланади ва махсус форма билан дафтарга ёзилади.

Ғўзани гуллашини ёзилган программага асосан 2-4 марта (ғўзани ўсуви давомида) аниқланади

5. Ғўзани ҳосилини етилишини аниқлаш

Ўтказилаётган тажрибани характери – мақсадига қараб ғўзани ҳосилини уни етилиши ва кўсакни очилишини 2-4 марта аниқланади. Ҳосилни етилиши ва курак очилишини ҳисоблаш 10-15 фоиз ғўзада куракни очилишидан бошланиб кейингилари ҳар 3-5 кундан кейин давом эттирилади.

Ғўзадаги куракларни очилиши ундаги мавжуд умумий курак сонидан қанчаси очилганлиги билан фоиз ҳисобида аниқланади.

Ғўзани умумий ҳосилдорлиги охириги марта биринчи терим олдиндан абробация ўтказиш йўли билан аниқланади. Ғўзани ҳосилдорлигини абробация йўли билан аниқлашда шу ерни 3-жойдан ғўзани мавжуд кўчат сонини ҳар бир тўпдаги курак сонига кўпайтириб ҳар бир куракдаги пахта оғирлигига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Масалан: тажриба ўтказилаётган ернинг ҳар бир гектарида ўртача 85000 дона ғўза бор, ҳар бир тўп ғўзада эса ўртача 8 тадан курак бор, ҳар бир дона куракдаги

очилган пахтани ўртача оғирлиги 4 гр деб ҳисобланса $85000 \cdot 8 \text{ курак} \cdot 4 \text{ гр} = 27,2 \text{ ц/га}$. Яъни ҳар бир гектар ердаги пахта ҳосили 27,2 центнер экан.

6. Ғўзани кўчат қалинлигини аниқлаш

Ҳар бир гектар ердаги ғўзани кўчат қалинлигини ўтказилаётган тажрибанинг ҳамма вариантларда ҳисобланади. Ғўзани кўчат қалинлигини яхшиси уни ягоналашдан кейин ва пахтани биринчи теримидан олдин ўтказган маъқул. Ғўзани ягоналашдан кейин кўчат сонини аниқланганда у терим олдида кўчат сонини аниқланганидан 10-15 фоиз кўп бўлади сабаби ғўзани ўсув давомида қатор оралиғида ўтказилган чопиқ, культивация каби агротехник омилларни амалга ошириш жараёнида маълум миқдордаги кўчат нобуд бўлади. Шу сабабли терим олдида кўчат саналганда у ягонадан кейин қолдирилган кўчат сонидан кам чиқади.

Ғўзани кўчат сонини аниқлаш методи қуйидагича амалга оширилади.

1. Тажриба участкасидаги экиш схемаси 60 см бўлса: шу ерни ичкарасига 20-25 метр (ер бошидан) кириб 4 та агатни 16,7 метр узунликдаги кўчат сони саналади ва уни 1000 кўпайтирилади, чунки қатор оралиғи 60 см қилиб чигит экилган бўлса бу ерда 1 га ерни майдони ($16700 \text{ п/м} \cdot 0,60 \text{ м} = 10000 \text{ м}^2$) 16,700 м га тенг бўлади.

2. Тажриба майдонидаги ғўза қатор оралиғи 90 см қилиб экилган бўлса бу ернинг бир гектари яъни 10000 м² ер 11000 метрга тенг бўлади ($11000 \cdot 0,9 \text{ метр} = 10000 \text{ м}^2$) кўчат сонини ҳар бир ерни 3-жойдан яъни ерни боши, ўртаси ва пастки қисмидан кўчат сонини аниқлаб уларни қўшиб учга бўлинади ва ҳар бир гектар ердаги ўртача кўчат сони аниқланади. Масалан: ерни бошида кўчат қалинлиги бир гектар ер ҳисобига 120000 дона + ўртасида 95000 дона + ерни қуйи қисмида 105000 дона бўлса жами 320000 дона : 3 = 106,6 минг/га яъни ҳар бир гектар ерда ўртача 106,6 минг тўп кўчат борлиги аниқланади.

Фарғона Информацион маркази
бош мутахассиси

Х. Умаров